



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 19 » mart

№ 150

Toshkent sh.

Сув хўжалиги соҳасида мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 10 июлдаги ПФ–6024-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда сув хўжалиги соҳасида мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида (кейинги ўринларда – Тармоқ маркази) Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг мутахассислари ва раҳбар кадрлари ҳамда ушбу вазирлик тизимидағи ташкилотлар раҳбарларининг малакасини оширишни ташкил этиш;

1-иловага мувофиқ таълим муассасаларида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи ташкилотлар мутахассисларининг малакасини ошириш бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий марказларни (кейинги ўринларда – ҳудудий марказлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги соҳасида мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш бўйича асосий вазифалари этиб белгилансин:

сув хўжалиги соҳасида мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг билим ва кўникмалари, касбий лаёқати ва маҳоратини узлуксиз ошириб боришни ташкил қилиш;

замонавий бошқарув услублари, бошқарувда тўғри ва самарали қарорлар қабул қилиш ҳамда назорат қилиш бўйича кўникмаларни

шакллантириш, сув хўжалиги соҳасида инновацион технологияларни татбиқ этиш учун касбий тайёргарликни зарур даражада таъминлаш;

малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва бевосита шаклларини амалиётга жорий этиш, фан ва ишлаб чиқариш билан уйғунлигини таъминлаш;

сув хўжалиги соҳаси мутахассислари ва раҳбар кадрларининг илғор ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан самарали фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш.

3. Белгилансинки:

худудий марказга ушбу марказ ташкил этилган таълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари раҳбарлик қиласи;

худудий марказ фаолиятини ташкил қилиш учун шартнома асосида соҳа бўйича олий маълумотли менежер жалб этилади;

худудий марказ раҳбари ва менежерининг меҳнатига амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тартибида ҳақ тўланади.

4. Куйидагилар Тармоқ маркази ва худудий марказларнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

шартнома асосида пулли ўқитищдан тушадиган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Куйидагиларни назарда тутувчи **Сув хўжалиги соҳасида мутахассислар ва раҳбар кадрларининг малакасини ошириш жараёнини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан:**

малака оширишнинг мақсади ва асосий вазифалари;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати мутахассислари ва раҳбар кадрлари ҳамда унинг тизимидағи ташкилотлар раҳбарларининг малакасини ошириш тартиби;

ўқитувчиларни (тренерларни) қайта тайёрлаш тартиби;

сув хўжалиги соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тартиби.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти билан биргаликда:

Тармоқ маркази ва худудий марказларда малака ошириш курслари йўналишлари бўйича ихтисослашган аудиторияларни ташкил қилсин, уларнинг таъмирланиши, замонавий ўқув қуроллари, компьютер техникалари, мебеллар ва бошқа инвентарлар билан жиҳозланишини таъминласин;

Тармоқ маркази ва худудий марказларга замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва тажрибали

мутахассислар, шунингдек, хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш чораларини кўрсин;

сув хўжалиги соҳасига жорий қилинган замонавий технологиялар, илғор тажрибалар, илм-фан ютуқлари, шунингдек, хорижий тажриба асосида малака ошириш курсларининг ўқув дастурлари ва адабиётларини пухта ишлаб чиқсин;

малака ошириш курсларининг ўқув дастурлари ва режа-графикларини ҳамда тингловчилар контингентини тасдиқлаб борсин ҳамда ўқув машғулотлари ва амалиётини юқори савияда ташкил қилсин.

7. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг марказий аппарати мутахассислари ва раҳбар кадрлари, ушбу вазирлик тизимидағи ташкилотлар мутахассислари ва раҳбар кадрларининг малакасини оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари;
хўжалик ҳисобидаги ташкилотларнинг ўз маблағлари;
халқаро молия ташкилотлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар мутахассислари ва раҳбар кадрларининг малакасини ошириш уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этилади.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М.Фаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “19” марта~~даги~~150сон қарорига
1-илова

**Сув хўжалиги соҳаси мутахассислари малакасини ошириш ҳудудий
марказлари ташкил этиладиган таълим муассасаларининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳудудий марказлар ташкил этилаётган таълим муассаси	Таълим муассасининг жойлашган ҳудуди
1.	Беруний сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Қорақалпогистон Республикаси Беруний тумани
2.	Кегейли қишлоқ хўжалиги коллежи	Қорақалпогистон Республикаси Бўзатов тумани
3.	Марҳамат агротехнологиялар техникуми	Андижон вилояти Марҳамат тумани
4.	Галаосиё сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Бухоро вилояти Галаосиё шаҳри
5.	Дўстлик сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Жиззах вилояти Дўстлик тумани
6.	Касби сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Қашқадарё вилояти Касби тумани
7.	Қамаши сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Қашқадарё вилояти Қамаши тумани
8.	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг Қарши филиали	Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри
9.	Навбаҳор сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Навоий вилояти Навбаҳор тумани
10.	Мингбулоқ сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Наманган вилояти Мингбулоқ тумани
11.	Самарқанд ахборот технологиялари техникуми	Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри
12.	Оқолтин саноат техникуми	Сирдарё вилояти Оқолтин тумани
13.	Қизириқ сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Сурхондарё вилояти Бандиҳон тумани
14.	Янгийўл озиқ-овқат технологияси коллежи	Тошкент вилояти Янгийўл тумани
15.	Қува сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Фарғона вилояти Қува тумани
16.	Қўшқўпир сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “19” мартдаги 150-сон қарорига
2-илова

**Сув хўжалиги соҳасида мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг
малакасини ошириш жараёнини ташкил қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом сув хўжалиги соҳасида мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш жараёнини ташкил қилиш тартибини белгилайди.

2. Сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг малакаси ҳар уч йилда бир марта оширилади.

3. Малака ошириш жараёни кундузги ўқиш шаклида, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда амалга оширилади.

4. Тегишли ахборот-методик ва ташкилий-техник база мавжуд бўлган тақдирда, малака ошириш жараёни масофадан ўқитиш усуллари қўлланилган ҳолда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Малака ошириш курсининг ўкув дастурларини (кейинги ўринларда – ўкув дастурлари) ўзлаштириш муддати бир ҳафтадан (54 соат) кам бўлмаган ҳажмда белгиланади, шундан аудитория машғулотлари 30 соатни, амалий машғулотлар – 6 соатни, мустақил таълим – 18 соатни ташкил қиласди.

2-боб. Малака оширишнинг мақсади ва асосий вазифалари

5. Сув хўжалиги соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш, соҳага янги технологиялар татбиқ этилишини жадаллаштириш, соҳа мутахассисларининг касбий билим, кўнишка ва малакасини мунтазам равища ошириб бориш малака оширишнинг мақсади ҳисобланади.

6. Сув хўжалиги соҳасида мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг билими, кўнилмалари, касбий лаёқати ва маҳоратини узлуксиз ошириб бориш механизmlарини жорий этиш, замонавий бошқарув услублари, бошқарувда тўғри ва самарали қарорлар қабул қилиш ҳамда назорат қилиш бўйича кўнилмаларини шакллантириш, сув хўжалиги соҳасида инновацион технологияларни татбиқ этиш учун касбий тайёргарликни зарур даражада таъминлаш малака оширишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

3-боб. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати мутахассислари ва раҳбар кадрлари ҳамда унинг тизимидағи ташкилотлар раҳбарларининг малакасини ошириш тартиби

7. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) марказий аппаратининг мутахассислари ва раҳбар кадрлари ҳамда унинг тизимидағи ташкилотлар раҳбарларининг малакаси

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида (кейинги ўринларда – Тармоқ маркази)да оширилади.

8. Вазирлик марказий аппаратининг мутахассислари ва раҳбар кадрлари ҳамда унинг тизимидағи ташкилотлар раҳбарларининг малакасини ошириш Вазирлик, шунингдек, унинг тизимидағи ташкилотлар буюртмасига асосан Тармоқ маркази билан шартнома асосида ташкил этилади.

9. Тармоқ марказида малака ошириш курслари Вазирлик билан келишилган ҳолда куйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг натижадорлиги ҳамда сув хўжалигини ривожлантиришнинг уствор йўналишлари;

сув ресурсларини оқилона бошқариш, сувнинг ҳисобини юритишни рақамлаштириш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш;

сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив назоратни рақамлаштириш;

насос станциялари, сугориш ва дренаж қудуқларини оқилона бошқариш, сув ва электр энергияси ҳисобини рақамлаштириш, электр энергиясини тежаш;

сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, қуриш ва таъмирлаштиклаш, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ишларини лойиҳалаш ва амалга ошириш, ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш;

сув хўжалигига давлат-хусусий шериклик шартлари ва аутсорсингни жорий қилиш, маблағлардан мақсадли фойдаланиш.

Тармоқ марказида Вазирлик буюртмасига асосан бошқа йўналишлар бўйича ҳам малака ошириш курслари ташкил этилиши мумкин.

10. Вазирлик ҳар йили 10 январга қадар Тармоқ марказига Вазирлик марказий аппаратининг мутахассислари ва раҳбар кадрлари ҳамда унинг тизимидағи ташкилотлар раҳбарлари орасидан йўналишлар бўйича малака оширадиган тингловчиларнинг сони ва муддатларини кўрсатган ҳолда буюртма беради.

11. Тармоқ маркази Вазирликнинг буюртмасига асосан ҳар йили 15 январга қадар йўналишлар бўйича ўқув дастурларини, ўқув машғулотларини амалга оширадиган профессор-ўқитувчилар ва тажрибали мутахассисларнинг рўйхатини ҳамда режа-графикларни ишлаб чиқади.

Ўқув дастурлари ва режа-графиклар Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

12. Тармоқ маркази томонидан малака ошириш курсларининг ўқув машғулотларини амалга ошириш учун Тошкент ирригация ва қишлоқ

хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти, соҳага алоқадор бошқа олий таълим ва илмий-текшириш муассасалари, вазирликлар ва идораларнинг профессор-ўқитувчилари ҳамда тажрибали мутахассислари соатбай ҳақ тўлаш асосида жалб қилинади.

Тармоқ маркази Вазирлик буюртмасига асосан хорижий эксперталарни ҳам жалб қилиши мумкин.

13. Вазирлик тасдиқланган ўқув дастурлари ва режа-графиклар бўйича тингловчилар контингентининг аниқ рўйхатини даврий равишда Тармоқ марказига тақдим қилиб боради.

14. Тармоқ марказида малака ошириш ўқитишининг замонавий шакллари ва услублари, илғор педагогик, ахборот-коммуникацион ва инновацион технологиялардан фойдаланиб тасдиқланган машғулотлар дастурлари бўйича амалга оширилади.

15. Ўқув машғулотлари Тармоқ марказида ўтказилади.

16. Амалий машғулотлар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти ҳузуридаги “Илмий-ўқув маркази” давлат унитар корхонасининг ўқув-тажриба участкасида, замонавий бошқарув тизимли сув хўжалиги обьектларида, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотларининг ер майдонларида, сувни тежайдиган технологиялар бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларда, шунингдек, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳамда бошқа обьектларда ўтказилади.

Амалий машғулотлар ўтказиладиган обьектлар Вазирлик билан келишилади.

17. Вазирлик ва унинг тизимидағи тегишли ташкилотлар:

Тармоқ маркази билан малака ошириш бўйича тузилган шартномага мувофиқ тўловларни амалга оширади;

tinglovchilarning tasdiqlangan reja-grafik bўyicha malaka oshirishga ўз вақтида қатнашишини таъминлайди.

18. Тармоқ маркази:

tasdiqlangan ўқув дастурлари ва режа-графиклар бўйича тингловчиларга юқори савияли профессор-ўқитувчилар ва тажрибали мутахассислар томонидан машғулотларни тўлиқ ва сифатли ўтказилишини таъминлайди;

tinglovchilarni зарур ўқув материаллари билан таъминлайди, мавжуд ўқув ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратади;

малака ошириш курслари давомида тингловчilarning давомати ва фаол иштироки бўйича мониторинг олиб боради ҳамда Вазирlikka кундалик маълумот тақдим қиласи.

19. Малака ошириш машғулотлари якуни бўйича тингловчиларнинг олган билими имтиҳон (сухбат) натижаси асосида баҳоланади.

Имтиҳонни (сухбатни) ташкил этиш ва ўтказиш учун Тармоқ маркази директорининг буйруғи билан имтиҳон комиссияси тузилади. Комиссия, қоида тариқасида тоқ сонда бўлиб, раис ва камидаги икки нафар аъзодан иборат бўлади.

Тингловчилар билан якуний имтиҳон (сухбат) – улар касбий фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ўкув дастурларига асосан ўтказилади. Имтиҳон натижалари имтиҳон қайдномасида “ўтди” ёки “ўтмади” деб баҳоланади ҳамда комиссия раиси ва унинг аъзолари томонидан имзоланади.

Тармоқ маркази томонидан ўкув дастурларида назарда тутилган барча талабларни бажарган ва имтиҳонни муваффақиятли топширган (сухбатдан ўтган) тингловчиларга ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ намунасадаги сертификат берилади.

Имтиҳонни топширмаган (сухбатдан ўтмаган) тингловчиларга сертификат берилмайди. Мазкур ҳолатда тингловчиларга малака ошириш курсида қатнашганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

Узрли сабабларга кўра имтиҳонга келмаган тингловчилар учун Тармоқ маркази томонидан қўшимча равишда имтиҳон ташкил этилади.

4-боб. Ўқитувчиларни (тренерларни) қайта тайёрлаш тартиби

20. Сув хўжалиги соҳаси мутахассислари, шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва раҳбар кадрларининг малакаси ўқитувчилар (тренерлар) томонидан оширилади.

21. Сув хўжалиги соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш худудий марказларида (кейинги ўринларда – худудий марказлар) машғулотларни ўтказиш учун жалб этиладиган ўқитувчиларнинг (тренерларнинг) таркиби тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси билан келишилади.

22. Ўқитувчилар (тренерлар) худудий марказларнинг буюртмаси бўйича шартнома асосида Тармоқ марказида тасдиқланган ўкув дастурлари бўйича қайта тайёрланади.

23. Ўқитувчиларнинг (тренерларнинг) ўкув дастурлари ва ўкув жараёнлари графиклари ҳар бир худуднинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароити ҳамда сув хўжалиги тизими эътиборга олинган ҳолда, Тармоқ маркази томонидан ишлаб чиқилади ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ёки ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси билан келишилган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланади.

24. Ҳудудий марказлар томонидан ўқитувчиликка (тренерликка) техникум, коллеж, шунингдек, соҳа бўйича олий таълим муассасалари, сув хўжалиги, лойиҳа ва бошқа ташкилотларнинг профессор-ўқитувчилари ва тажрибали мутахассислари соатбай ҳақ тўлаш асосида жалб қилинади.

25. Тармоқ марказида ўқитувчиларни (тренерларни) қайта тайёрлаш курслари қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

сув ресурсларини оқилона бошқариш, сувнинг ҳисобини юритишни рақамлаштириш ва сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш;

сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив назоратни рақамлаштириш;

насос станциялари, сугориш ва дренаж қудуқларини оқилона бошқариш, сувнинг ва электр энергияси ҳисобини рақамлаштириш, электр энергиясини тежаш;

сув хўжалиги обьектларини модернизация қилиш, қуриш ва таъмирлаштиклаш, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ишларини лойиҳалаш ва амалга ошириш, ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш;

сув хўжалигига давлат-хусусий шериклик шартлари ва аутсорсингни жорий қилиш, маблағлардан мақсадли фойдаланиш.

26. Ўқитувчилар (тренерлар) Тармоқ марказида бир ҳафтадан (54 соат) кам бўлмаган ўқув машғулотини, шундан, 30 соатлик аудитория машғулотлари, 6 соатлик амалий машғулотлар ҳамда 18 соатлик мустақил машғулотларни ўтайди.

27. Қайта тайёрлаш курсининг якуни бўйича ўқитувчилар (тренерлар) билими Тармоқ маркази билан қайта тайёрлаш бўйича тузилган шартномага мувофиқ баҳоланади.

28. Тармоқ маркази томонидан ўқув дастурларида назарда тутилган барча талабларни бажарган ва имтиҳонни муваффақиятли топширган (сухбатдан ўтган) ўқитувчиларга (тренерларга) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ намунадаги гувоҳнома берилади.

Гувоҳнома ўқитувчи (тренер) учун икки йил давомида ҳудудий марказлардаги малака ошириш курсларининг тегишли йўналиши бўйича дарс бериш учун асос бўлади.

29. Имтиҳонни топширган (сухбатдан ўтмаган) ўқитувчиларга (тренерларга) гувоҳнома берилмайди. Бундай ҳолатда ўқитувчиларга (тренерларга) қайта тайёрлаш курсида қатнашганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

Бунда ўқитувчилар (тренерлар) худудий марказларда сув хўжалиги соҳасида мутахассисларни малакасини ошириш курсларида машғулотлар ўтказишга жалб этилмайди.

Узрли сабабларга кўра имтиҳонга келмаган ўқитувчилар (тренерлар) учун имтиҳон Тармоқ маркази томонидан қўшимча равища ташкил этилади.

5-боб. Сув хўжалиги соҳасида мутахассисларининг малакасини ошириш тартиби

30. Сув хўжалиги соҳасида мутахассисларининг, шунингдек, сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар мутахассислари ва раҳбар кадрларининг малакаси худудий марказларда шартнома асосида оширилади.

31. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳар йили 5 январгача сув хўжалиги тизимидағи ташкилотларнинг малака оширадиган мутахассислари рўйхатини шакллантиради ва тегишли худудий марказга тақдим қиласди.

Сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар ўз мутахассислари ва раҳбар кадрларининг малакасини ошириш учун тегишли худудий марказга буюртма беради.

32. Худудий марказларда сув хўжалиги соҳаси мутахассисларининг, сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар мутахассислари ва раҳбар кадрларининг малакаси ўқитувчилар (тренерлар) томонидан мазкур Низомнинг 25-бандига кўра тегишли йўналишлар бўйича оширилади.

33. Амалий машғулотлар худудий марказларнинг ўкув тажриба-участкасида, замонавий бошқарув тизимили сув хўжалиги обьектларида, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган фермер хўжаликлари ва кластер ташкилотларининг ер майдонлари, сувни тежайдиган технологиялар бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи ташкилотларда ҳамда бошқа обьектларда ўтказилади.

Амалий машғулотлар ўтказиладиган обьектлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари билан келишилади.

34. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар:

тегишли худудий марказ билан малака ошириш бўйича тузилган шартномага мувофиқ тўловларни ўз вақтида амалга оширади;

тингловчиларнинг тасдиқланган режа-график бўйича малака оширишга ўз вақтида қатнашишини таъминлайди.

Худудий марказларда сув хўжалиги тизимида фаолият кўрсатаётган номутахассис ходимлар малака ошириш курсларига жалб қилинмайди.

35. Худудий марказлар:

тасдиқланган ўкув дастурлари ва ўкув жараёни жадвали бўйича тингловчиларга профессор-ўқитувчилар ва тажрибали мутахассислар томонидан машгулотлар тўлиқ ва сифатли ўтказилишини таъминлайди;

tinglovchilarни зарур ўкув материаллари билан таъминлайди, мавжуд ўкув ресурсларидан фойдаланиш имконини яратади;

tinglovchilarning мурожаатига мувофиқ ётоқхона билан таъминлайди;

малака ошириш курслари давомида тингловчиларнинг давомати ва фаол иштироки бўйича мониторинг олиб боради ҳамда тегишлича Қорақалпогистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига ёки ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига кундалик маълумот тақдим қилиб боради.

36. Малака ошириш курси якуни бўйича тингловчиларнинг олган билими якуний имтиҳон (суҳбат) ўтказиш асосида баҳоланади.

Имтиҳонни ташкил этиш ва ўтказиш учун ҳудудий марказ ташкил этилган таълим муассасаси директорининг буйруғи билан имтиҳон комиссияси тузилади. Комиссия, қоида тариқасида, тоқ сонда бўлиб, раис ва камида икки нафар аъзодан иборат бўлади.

37. Тингловчилар билан якуний имтиҳон – улар касбий фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ўкув дастурлариiga асосан ўтказилади. Имтиҳондан ўтиш натижалари имтиҳон қайдномасида “ўтди” ёки “ўтмади” деб баҳоланади ҳамда комиссия раиси ва унинг аъзолари томонидан имзоланади.

Худудий марказлар томонидан ўкув дастурларида назарда тутилган барча талабларни бажарган ва имтиҳонни муваффақиятли топширган (суҳбатдан ўтган) тингловчиларга ушбу Низомга З-иловага мувофиқ намунадаги сертификат берилади.

Имтиҳонни топширмаган (суҳбатдан ўтмаган) тингловчиларга сертификат берилмайди. Бундай ҳолатда тингловчиларга малака ошириш курсида қатнашганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

Узрли сабабларга кўра имтиҳонга келмаган тингловчилар учун ҳудудий маркази томонидан кўшимча равишда имтиҳон ташкил этилади.

6-боб. Сув хўжалиги соҳаси мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг малакасини оширишни молиялаштириш

38. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг мутахассислари ва раҳбар кадрлари, ушбу вазирлик тизимида ташкилотлар мутахассисларининг малакасини оширишни молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларнинг ўз маблағлари;
халқаро молия ташкилотлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;
юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Сув истеъмолчилари уюшмалари, кластер ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотларнинг мутахассислари ва раҳбар кадрлари малакасини ошириш уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўқитувчиларни (тренерларни) Тармоқ марказида қайта тайёрлаш харажатлари буюртмачилар ёки Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги ривожлантириш жамғармаси маблағлари, хорижий грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

7-боб. Якунловчи қоида

39. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш бўйича низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Сув хўжалиги соҳасида
мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг
малакасини ошириш жараёнини ташкил
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Malaka oshirish haqida
SERTIFIKAT
№ 000000

(tinglovchining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20 ___ yil _____ dan 20 ___ yil _____ gacha

Toshkent irrigatsiya va qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti
huzuridagi Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish
tarmoq markazida jami _____ soatlik _____

(malaka oshirish kursining nomi)

bo‘yicha malakasini oshirdi.

Direktor: **M.O‘.**

Direktor orinbosari:



Ro‘yxatga olish raqami

(tartib raqami)

(berilgan joy va sana)

Сув хўжалиги соҳасида
мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг
малакасини ошириш жараёнини ташкил
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Qayta tayyorlash haqida
GUVOHNOMA
№ 000000

(o'qituvchi (trener)ning familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil _____ dan 20__ yil _____ gacha

Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti
huzuridagi Pedagog kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish
tarmoq markazida jami _____ soatlik

(o'qituvchi (trener)ni qayta tayyorlash kursining nomi)

bo'yicha qayta tayyorlandi.

Direktor: **M.O'.**

Direktor orinbosari:



Ro'yxatga olish raqami:

(tartib raqami)

(berilgan joy va sana)

Сув хўжалиги соҳасида
мутахассислар ва раҳбар кадрларнинг
малакасини ошириш жараёнини ташкил
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Malaka oshirish haqida
SERTIFIKAT
№ 000000

(tinglochining familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yil _____ dan 20__ yil _____ gacha

(talim muassasasi nomi)

huzuridagi Suv xo'jaligi sohasi mutaxassislari malakasini oshirish bo'yicha hududiy
markazda jami _____ soatlik _____

(malaka oshirish kursining nomi)

bo'yicha malakasini oshirdi.

Direktor:

M.O'.



Direktor orinbosari:



Ro'yyatga olish raqami:

(tartib raqami)

(berilgan joy va sana)